2018 йил 27 декабрь, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 248–249 (13.845–13.846)

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИБРАТЛИ ТАШАББУСЛАРИ

***2018 йил 12 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи сессиясида Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган “Маърифат ва диний бағрикенглик” тўғрисидаги резолюция бир овоздан қабул қилинди. Бу ғояни БМТ Бош Ассамблеясининг 2017 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган 72-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таклиф этган эди.***

Резолюциянинг асосий мақсади фуқароларнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш орқали дунёда саводсизлик ва жаҳолатга барҳам бериш, бағрикенглик, ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашиш каби фундаментал умуминсоний тамойилларнинг дунёвий устуворлигига эришишга қаратилган. Ушбу халқаро актнинг мазмун-моҳияти БМТ доирасида қабул қилинган энг муҳим ҳужжатлар, жумладан, БМТ Низоми, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Дин ёки эътиқодлар замиридаги муросасизлик ва камситишларнинг барча шаклларини бартараф этиш тўғрисидаги декларация каби халқаро ҳужжатларга тўлиқ ҳамоҳангдир.

Ўзбекистон ташаббуси БМТ аъзолари томонидан мутлақ якдиллик билан қўллаб-қувватлангани қувончли ҳол, албатта. Масаланинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, элликдан ортиқ давлатлар, жумладан, ислом динининг она диёри – Саудия Арабистони ҳам мамлакатимиз таклиф этган ҳужжатга ҳаммуаллиф бўлиш истагини билдирди. Тарихдан хабардор кишилар бундай воқеа охирги юз йилликлар давомида илк бор кузатилаётганини яхши тушунадилар. Демак, Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган ҳужжатнинг оламшумул аҳамияти янада ойдинлашади.

Таъкидлаш лозимки, бугунги зиддиятларга тўла таҳликали замонда бирон-бир масалада халқаро ҳамжамиятнинг мутлақ якдиллигига эришиш деярли имконсиз бўлиб қолди. Дин билан боғлиқ масалаларда эса бу жиҳат ундан-да қийинроқ. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Православ христианлар дунёсида содир бўлаётган ва тобора чуқурлашиб бораётган бўлиниш, шунингдек, мусулмон дунёсида ҳам кузатилаётган айрим ихтилофли вазиятлар бу фикрни тасдиқлаб турибди. Ана шундай шароитларда диний қадриятларга бевосита дахлдор масала бўйича Ўзбекистон томонидан таклиф этилган ҳужжатнинг халқаро миқёсда мутлақ якдиллик билан қўллаб-қувватлангани ибратлидир.

Ўзбекистон раҳбари ташаббусининг халқаро ҳамжамият томонидан қизғин қўллаб-қувватлангани тасодифий ҳол эмас, албатта. Бундай ҳамфикрликни таъминлаган бир неча жиҳатларни изоҳлаш ўринли. Биринчидан, резолюцияда бугунги дунё учун энг муҳим бўлган ҳаётий масалалардан бир-бирига узвий боғлиқ бўлган иккитаси – маърифатни ривожлантириш зарурати ҳамда турфа динлар ва миллатлардан иборат халқаро ҳамжамиятда “бағрикенглик” қадриятлар – барча мамлакатлар манфаатларига мос тарзда ўз ифодасини топиши. Иккинчидан, ушбу масаланинг, бугунги замон тақозо этаётган бир вақтда, халқаро ҳамжамият эътиборига ҳавола қилингани. Учинчидан, мазкур ҳассос ҳаётий ғоя халқаро ҳамжамият аъзолари эътирозига сабаб бўлмайдиган шаклда расмийлаштирилганидир.

(Давоми 2-бетда)

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## НОРУДА ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАРНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛГАН ЕР ҚАЪРИ УЧАСТКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларини фойдаланишга беришнинг тартиб-таомилларини соддалаштириш ва иқтисодиётнинг норуда хом ашё базасини ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, норуда фойдали қазилмалардан самарали фойдаланишни таъминлашда қатор муаммолар мавжуд бўлиб, булар ер участкасини ажратиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ер қаъри участкаларини фойдаланишга бериш билан боғлиқ нормаларга номувофиқлиги, қазиб олиш ва қайта ишлашда маънан эскирган, муддати тугаган техника ва ускуналардан фойдаланилаётганлиги, конлар ва истиқболли майдонлар тўғрисида тадбиркорлик субъектларини хабардор қилиш ва уларга давлат хизматларини кўрсатишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш даражаси пастлигида намоён бўлмоқда.

Фақат жорий йилнинг сентябрь-ноябрь ойларида ўтказилган ўрганишларда 186 та субъект томонидан тегишли лицензия олмасдан 26,7 миллиард сўмлик норуда фойдали қазилмалар ноқонуний қазиб олинганлиги ҳолатлари аниқланди, шунингдек, лицензия шартларига риоя қилмаган ва ер қаъри участкаларидан самарасиз фойдаланган 23 та субъектнинг ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи муддатидан олдин бекор қилиниб, 55,6 миллион куб метр ва 3,4 миллион тонна фойдали қазилмалар захираси давлат балансига қайтарилди.

Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларини фойдаланишга беришда шаффофликни таъминлаш, қазиб олиш ва қайта ишлаш жараёнларида илғор технологияларни кенг қўллаш ҳамда соҳага салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 январдан бошлаб:

вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан фойдали қазилмалар захиралари давлат балансида ҳисобга олинган конлар ва истиқболли майдонлар жойлашган ер участкаларини беришда (реализация қилишда) ер фонди тоифасидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг ижобий хулосаси олинади;

норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия асосида ер қаъридан фойдаланувчининг мурожаатига кўра, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тегишли ер участкалари ўн кундан ошмаган муддатда очиқ савдоларсиз, тўғридан-тўғри лицензиянинг амал қилиш муддати ва ер қаъри участкасининг чегараларига мувофиқ ажратиб берилади;

норуда фойдали қазилмалари ер участкаларининг чегараларини жойида белгилаш ишлари Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Конгеология фаолиятини назорат қилиш инспекциясининг ҳудудлардаги бўлинмалари томонидан бир вақтнинг ўзида ер қаъридан фойдаланувчи иштирокида амалга оширилади;

(Давоми 2-бетда)

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

## ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ АМАЛ ҚИЛАДИГАН ҚОНУНЛАР – ИСЛОҲОТЛАР ГАРОВИ

***Бугунги кенг кўламли ва шиддатли ислоҳотлар даврида ҳар бир қонунни пишиқ-пухта, тўғридан-тўғри ишлайдиган қилиб яратишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Барча соҳанинг ҳуқуқий асосини ана шундай талабчанлик мезонлари асосида мустаҳкамлаш парламент олдида турган долзарб масалалардан бири саналади.***

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ҳам бу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Зеро, давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, кенг кўламли ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан қонун ижодкорлиги жараёнининг сифатига бевосита боғлиқ.

Парламент қуйи палатасида Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини амалга ошириш бўйича Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов раҳбарлигидаги комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ушбу масалалар яна бир бор чуқур таҳлил қилинди. Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини амалга ошириш бўйича тузилган эксперт гуруҳлари масъулларининг ҳисоботлари тингланди.

Комиссия томонидан жорий йилда белгиланган 12 та чора-тадбирнинг бажарилиши таъминланди. Қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлашнинг ягона услубиёти, қонун ҳужжатлари инвентаризацияси асосидаги тўғридан-тўғри амал қиладиган қонун лойиҳаларини тайёрлаш дастури, идоравий қонуности ҳужжатларини камайтиришга, шунингдек, қонун ижодкорлигида фан ва амалиётни уйғунлаштиришга қаратилган комплекс тадбирлар режалари шулар жумласидандир.

Бугунги кунда қуйи палатада иш кўлами кундан-кунга ортиб бормоқда. 2016-2018 йиллар мобайнида палата томонидан кўриб чиқилган қонун лойиҳалари сони ўрта ҳисобда 2,5 бараварга ошди. Хусусан, агар 2016 йилда қуйи палата 49 та қонун лойиҳасини кўриб чиққан бўлса, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бу рақам 134 тани ташкил этди.

Айни пайтда парламентга киритилаётган барча қонун лойиҳаларини ҳам бирдек сифатли, деб бўлмайди. Ўтган давр мобайнида палатага киритилган 68 та қонун лойиҳаси қайта ишланиб, 60-85 фоизга ўзгартирилган. Жумладан, қуйи палатага киритилганда асосан ҳаволаки нормалардан иборат бўлган “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги, “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар депутатлар томонидан тубдан қайта ишланиб, тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунлар сифатида қабул қилинди.

Бу, ўз навбатида, нафақат парламент, балки қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари, айниқса, вазирлик ва идораларнинг қонун ижодкорлиги иши сифатини оширишни тақозо этади. Зеро, вазирлик ва идоралар томонидан қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда тор идоравий манфаатларни устун қўйиш, қонун лойиҳаларини уларни амалга оширишнинг аниқ механизмларисиз, амалиётни чуқур таҳлил этмаган ҳолда сифатсиз ишлаб чиқиш каби салбий ҳолатларга ҳамон йўл қўйилмоқда.

Йиғилишда қонун ижодкорлиги соҳасида шу пайтга қадар учраб турган долзарб муаммолар – идоравий қонуности ҳужжатларининг кўплиги ҳамда ҳуқуқни қўллашда турлича талқин қилиш ва мураккабликлар юзага келишига сабабчи бўлаётган бошқа омилларни бартараф этиш бугунги куннинг муҳим вазифаси экани алоҳида таъкидланди. Шундан келиб чиқиб, Норма ижодкорлигини такомиллаштириш концепцияси ва уни бажариш бўйича амалий чора-тадбирларда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ижро этиш, тегишли лойиҳаларини сифатли ишлаб чиқиш бўйича вазирлик ва идораларнинг масъулиятини кучайтириш заруратига эътибор қаратилди.

Тадбирда қайд этилганидек, бундан буён қуйи палата киритилаётган қонун лойиҳаларининг сифати, уларнинг тўғридан-тўғри амал қилувчи ҳужжат сифатида нечоғлик тайёрлангани масаласига жиддий эътибор қаратади. Бу Қонунчилик палатаси қўмиталарининг биринчи галдаги устувор вазифасига айланади.

Муҳокамалар якунида Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини амалга ошириш бўйича ишларни янада кучайтиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди. Комиссиянинг галдаги муҳим вазифаларини белгилаб берувчи тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА)**

***Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида “Энергия самарадорлиги – Ўзбекистонда энергетика соҳасини ривожлантиришнинг асоси” мавзусида халқаро илмий-техникавий конференция ўтказилди.***

## ЭНЕРГИЯ МАСАЛАЛАРИ ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР МУҲОКАМАСИДА

Мазкур анжуман энергетика соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга жорий қилиш, истиқболли мутахассисларни тайёрлаш, фан-таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграциялашувини ташкил қилишга оид келгуси режаларни ишлаб чиқишни кўзда тутади.

Конференцияда тегишли вазирлик ва идоралар, соҳа бўйича хорижий ва маҳаллий экспертлар, илмий доира вакиллари иштирок этди.

Конференциянинг очилишида сўзга чиққанлар ҳозирги кунда саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежамкор технологияларни ва қайта тикланувчи манбаларни амалиётга татбиқ этиш дунё миқёсида долзарб аҳамиятга эга эканини таъкидлашди.

Қайд этилганидек, кўпгина мамлакатларда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам янги энергия тежамкор технологиялар ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ишга тушириш бўйича стратегиялар ишлаб чиқилган. Бу саноат солиштирма меъёрларини сезиларли камайтириш имконини бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 23 октябрдаги “Электр энергетикаси тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори доирасида олиб борилаётган чора-тадбирларни фикримизнинг ёрқин мисоли сифатида келтириш мумкин.

Анжуман шўъба мажлисларида давом этди. Унда энергия самарадорлиги ва энергия тежамкорлиги, электр энергетикаси, нефть ва газ қазиб чиқариш, қайта тикланувчи энергия манбаларига оид масалаларга бағишланган маърузалар тингланди, тақдимотлар намойиш этилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, дунёда энергия истеъмоли 2012 йилда 13,8 миллиард тонна нефть эквивалентига тенг бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2040 йилга бориб 20,5 миллиард тонна нефть эквивалентига етиши мумкин. Бу глобал энергия балансида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг аҳамиятини янада оширади.

Жаҳон амалиётида қайта тикланувчи энергиянинг асосан қуёш, шамол, сув, тўлқин, биомасса, геотермал, сув манбалари мавжуд. Бугунги кунда электр энергиясига бўлган талабнинг дунё бўйича 20 фоизга яқини ана шулар ҳисобига қондирилмоқда.

– Сайёрамиздаги энергия манбаи бўлган фойдали қазилмаларнинг чекланганлиги соҳага инновацион ёндашувларни жорий этишни тақозо қилмоқда, – дейди Грузия техника университети профессори Кетеван Везиришвили Нозадзе. – Шу боис қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тизимини ислоҳ қилиш ва соҳага кенгроқ жорий этиш бугунги кун талабига айланиб бормоқда. Грузияда бу борада ижобий тажриба бор. Мамлакатимизда шамолдан электр қуввати олиш тобора оммалашмоқда. Ўзбекистон иқлим шароитида эса қуёшдан энергия олиш кўпроқ самарали ҳисобланади.

Конференция иштирокчилари Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар ҳамда хўжалик шартномалари асосида “Ўзбекэнерго”, “Ўзбекгидроэнерго”, “Ўзбекнефтгаз” каби акциядорлик жамиятлари, “Ўзатом” агентлиги ва қатор йирик корхоналар билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар билан яқиндан таништирилди.

**Малоҳат ҲУСАНОВА**

**XXI аср садоси**

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 27 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан мамлакатимизда эълон қилинган Ватанпарварлик ойлиги доирасида Жануби-Ғарбий махсус ҳарбий округининг Термиз шаҳридаги ҳарбий қисмларидан бирида “Очиқ эшиклар куни” тадбири ўтказилди. Унда ҳарбий хизматчилар, кекса авлод вакиллари, Термиз туманидаги умумтаълим мактабларининг ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этди.**

**• Сирдарё вилояти Боёвут агросаноат касб-ҳунар коллежида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Сирдарё вилояти кенгашлари томонидан “Ёшлар ва парламент” мавзуида давра суҳбати ташкил этилди. Унда халқ депутатлари вилоят ва туман кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари, партиянинг “Ёшлар қаноти” фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

**• Фарғонада бўлиб ўтган адабиёт байрами “Эркин Воҳидов кунлари” доирасидаги тадбирлар билан янада катта шодиёнага айланди. Унда пойтахтимиздан ташриф буюрган таниқли шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.**

**• Бухоро вилояти Олот туманида “Ватан муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!” шиори остида ҳарбий-ватанпарварлик фестивали бўлиб ўтди. Тадбирда ҳарбий қисмларда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар, умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, фаол ёшлар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.**

### ЖАҲОНДА

**• Дунёга машҳур АҚШнинг “Ford” компанияси Европа бозори учун мўлжалланган “Focus active” автомобилининг хатчбек ҳамда универсал талқинларини тақдим этди. Янги машиналар илгакларнинг алоҳида созламаси, кенгайтирилган қурилмалар жамламаси ҳамда махсус режимдаги назорат тизимига эга. Машиналарга 1,3 ва 1,5 литр сиғимли “EcoBoost” ҳамда 150 от кучига тенг 1,5 ва 2 литр сиғимли дизель двигателлари ўрнатилган. Улар 8 даражали автоматлашган тезлик узатиш қутиси ёрдамида ҳаракатланади. Айни пайтда “Ford”нинг мазкур нусхалари Германияда ишлаб чиқарилмоқда. Харидорлар эса аллақачон буюртмалар беришни бошлаган.**

**• Ўтказилган сўнгги биржа савдолари давомида Brent русумли нефтнинг бир баррелининг нархи 51 доллардан пастга тушиб кетди.**

**• Кубада парламент аъзолари томонидан мамлакат конституциясининг янги лойиҳаси якдиллик билан тасдиқланди.**

virtual.vto@umail.uz,
gazeta-vto@umail.uz
№248–249 (27.12.18)

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# НОРУДА ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАРНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛГАН ЕР ҚАЪРИ УЧАСТКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

ер қаъридан фойдаланувчиларга берилган лицензияларнинг амал қилиш муддати тугаганда ёки муддатидан олдин бекор қилинганда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан бу ҳақда уч кун муддатда Давлат солиқ қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ёзма маълумот берилади;

норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиянинг амал қилиш муддати тугаганда ёки муддатидан олдин бекор қилинганда тегишли ер майдонлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан захирага қайтарилади;

норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳажмлари ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан узлуксиз икки йил давомида бажарилмаган тақдирда (форс-мажор ҳолатларидан ташқари) ҳақиқатда қазиб олинган ҳажмдан келиб чиқиб, норуда фойдали қазилмалар захираларининг ўзлаштирилмай қоладиган қисми давлат балансига ва улар жойлашган ер участкалари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари захирасига қайтарилади. Бунда, илгари берилган лицензия қайта расмийлаштирилмасдан ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларига тегишли ўзгартиришлар киритилади;

норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларида ер қаъридан фойдаланувчининг инвестициявий мажбуриятлари назарда тутилади.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

2019 йил 1 июлдан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан аниқланган норуда фойдали қазилмалар конлари;

2020 йил 1 январдан барча норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончасидаги электрон аукцион якунлари асосида 20 кундан ошмаган муддатда берилади.

Бунда, ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини молиялаштирган юридик ва жисмоний шахсларнинг ўзлари қидириб топган кондан фойдали қазилмаларни қазиб олишга лицензия олишда уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқлари сақланиб қолинади.

Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини савдога қўйишнинг бошланғич нархи аукцион ташкил қилиш билан боғлиқ барча харажатлар йиғиндисидан кам бўлмаган суммада белгиланади.

3. Белгилансинки, норуда фойдали қазилмалар ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончасида реализация қилишдан олинган пул маблағлари ва ушлаб қолинган закалат суммаси, аукцион ташкил қилиш билан боғлиқ тўлов суммалари чегирилган ҳолда тенг улушларда:

норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш фаолияти олиб бориладиган ҳудудлардаги тегишли туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетларига;

минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш йиллик давлат дастурларини амалга оширишга мақсадли йўналтирилган ҳолда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг махсус ғазначилик ҳисоб рақамларига ўтказилади.

4. Табиий пардозбоп тошларни (мармар, гранит, травертин ва оҳактош) қазиб олиш ва уларнинг техноген минерал ҳосилаларидан фойдаланиш учун лицензияга эга бўлган барча хўжалик юритувчи субъектлар 2022 йил 1 январга қадар:

белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун четдан олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган табиий пардозбоп тошларни қазиб олиш, уларга ишлов бериш, шунингдек, табиий пардозбоп тошларнинг техноген минерал ҳосилаларини қайта ишлашга мўлжалланган махсус техника ва ускуналар божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод қилинади;

табиий пардозбоп тошларни қазиб олиш, уларга ишлов бериш, шунингдек, табиий пардозбоп тошларнинг техноген минерал ҳосилаларини қайта ишлаш фаолияти бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблашда мазкур солиқ бўйича белгиланган ставка икки баробарга пасайтирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

ташқи бозор конъюнктурасини ўрганиб, норуда фойдали қазилмаларни чуқур қайта ишлашни ва улардан ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотлар экспортини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган қурилиш объектларида маҳаллий норуда хом ашё асосида ишлаб чиқарилган қурилиш материалларини, шу жумладан, табиий пардозбоп тошларни кенг қўллашни ҳамда норуда фойдали қазилмалар ноқонуний қазиб олинган ҳолларда уларнинг қийматини аниқлаш тартибини белгиловчи Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

6. "Ўзқурилишматериаллари" АЖ 2019 йил 1 мартга қадар республика ҳудудида аниқланган барча табиий пардозбоп тошларнинг миллий бренди ва каталогини яратсин, уларнинг кенгайтирилган тақдимотини ўтказсин ҳамда ҳар йили бир маротаба каталогнинг янгиланиб борилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Жиззах ва Навоий вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда уч ой муддатда Жиззах вилояти Фориш туманини Навоий вилояти Нурота тумани билан боғловчи темир йўл тармоғини қуриш масаласини ҳар томонлама ўрганиб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига мазкур масала бўйича асослантирилган таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси 2019 йил 1 апрелга қадар:

аниқланган норуда фойдали қазилмалар конлари ва истиқболли майдонларнинг давлат кадастрини хатловдан ўтказсин;

хатлов натижаларига кўра, норуда фойдали қазилмалар ер қаъри участкалари ва истиқболли майдонлар тўғрисида батафсил (харита, фото ва видео) маълумотларни бериш, интерактив давлат хизматларини кўрсатиш ва мазкур жараёнларни фойдаланувчилар томонидан онлайн кузатиб бориш имкониятини берувчи қўмитанинг янгиланган расмий веб-сайтини ва унинг мобиль версиясини яратсин;

норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар беришда "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончасида электрон аукционни ўтказиш регламентини тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси зиммасига (кейинги ўринларда Инспекция деб юритилади) фойдали қазилмалардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этиш бўйича қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

ҳуқуқбузарликларни профилактика қилишнинг илғор услубиятларини жорий этиш, идоралараро ҳамкорликни янада ривожлантириш, фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш;

фойдали қазилмалардан ноқонуний фойдаланиш аниқланган ҳолатлар бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш, маркшейдерлик ишларини ўтказган ҳолда етказилган зарар миқдорини аниқлаш;

аниқланган ҳуқуқбузарликлар ва уларнинг оқибатлари тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилиб бориш, соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси фойдали қазилмалардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш бўйича назорат тадбирларини амалга оширишда Инспекция билан ўзаро ҳамкорликни таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг юридик шахс мақомига эга бўлмаган Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш жамғармасини (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Жамғарма маблағлари қуйидаги манбалардан шакллантирилади:

ер қаъридан фойдаланиш соҳасида белгиланган талабларни бузганлик учун ундириладиган жарималар суммасининг 80 фоизи миқдоридаги ажратмалар;

ер қаъри фойдали қазилмаларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари бўйича аниқланган зарар суммасининг 20 фоизи миқдоридаги ажратмалар;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинадиган ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар.

Белгилансинки, Жамғарма маблағлари Инспекциянинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, қазиб олинган фойдали қазилмаларнинг ҳаққоний ҳажмини аниқлаш учун бажариладиган маркшейдерлик ишларини молиялаштиришга ҳамда ходимларни моддий рағбатлантиришга мақсадли йўналтирилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига геологик тасвирлаш ишларида, бажариладиган маркшейдерлик ўлчовларида ҳамда хавфли геологик жараёнларни ўрганишда учувчисиз учадиган аппаратларни харид қилиш, олиб кириш ва улардан фойдаланишга рухсат берилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда норуда фойдали қазилмалардан ноқонуний фойдаланганлик учун жавобгарликни кучайтиришни назарда тутувчи таклифларни киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг раҳбари З.Ш.Низомиддинов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б.Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2018 йил 26 декабрь*

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИБРАТЛИ ТАШАББУСЛАРИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир масалага диққатни жалб этишни истар эдик. "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюцияси охирги бир йил давомида Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ томонидан қабул қилинган иккинчи халқаро ҳужжатдир. Бундан олдинроқ, яъни 2018 йилнинг 22 июнь куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида "Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш" резолюцияси қабул қилинган эди. Унинг лойиҳаси Ўзбекистон томонидан Марказий Осиёдаги қўшни мамлакатлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилгани яхши маълум. Ушбу ҳужжат ҳам БМТга аъзо барча давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди. Айтиш ўринлики, бу ташаббус ҳам Ўзбекистон раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқида илгари сурилган. Мазкур ғоя кейинчалик БМТ шафелигида 2017 йилнинг ноябрида Самарқандда ўтказилган "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзусидаги халқаро конференциядаги Президентимиз нутқида янада чуқурроқ асослантирилгани яхши маълум. Минтақа давлатлари ташқи ишлар вазирлари иштирокидаги мазкур конференция якунлари бўйича БМТнинг юқорида зикр этилган Марказий Осиё давлатлари хавфсизлигини таъминлаш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга доир махсус резолюциясини қабул қилиш таклиф этилгани барчамизга маълумдир эҳтимол. Ўшанда Ўзбекистон ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари номидан БМТга киритилган резолюция лойиҳаси қисқа муддат ичида тўлақонли халқаро ҳуқуқий ҳужжатга айланди.

Таъкидлаш жоизки, кейинги икки йил давомида Ўзбекистонда диний-маънавий соҳада содир бўлаётган туб ўзгаришлар халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини жалб қилиб, унинг эътирофига сазовор бўлмоқда. Пировардида, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларга муносабат тубдан ижобий ўзгармоқда. Қисқа муддат ичида Президент Шавкат Мирзиёев илгари сурган бир эмас, иккита ташаббуснинг БМТ томонидан қўллаб-қувватлангани бунинг яққол исботидир.

Баён этилганлардан чиқадиган мантиқий хулоса шуки, давлатимиз раҳбарининг фаол ташаббускорлиги ҳар бир фуқаро учун ибрат мактаби бўлиши керак. Модомики Президентимиз саъй-ҳаракатлари туфайли халқаро ҳамжамиятнинг Ўзбекистонга бўлган муносабати жадал ўзгариб бораётган экан, биз – барчамиз бу каби ҳаётбахш жараёнлардан ташқарида қолишимиз мумкин эмас.

Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳам мамлакатимизда кечаётган туб ўзгаришлар, айниқса, диний-маънавий жараёнларнинг фаол иштирокчилари қаторида бўлишга интилмоқда. Бунда дунёмиз тараққиётининг ўзига хос жиҳатларидан бири – изчил кенгайиб бораётган глобаллашув феномени диний-маънавий ҳаётни ҳам қамраб олаётгани мунтазам эътиборимизда бўлиши шарт. Ўзбекистон халқаро ислом академияси зиммасига юкланган масъулиятли вазифаларнинг сифатли ижроси халқаро илмий-амалий ҳамкорликни ривожлантириш билан узвий боғлиқ эканини яхши идрок этамиз. Шунга мувофиқ, академия фаолияти бошланган пайтдан буён ўтган қисқа даврда халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган қатор диққатга сазовор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Мисрнинг Ал-Азҳар, Айн Шамс университетлари, "Ҳивор" илмий-таҳлилий маркази, Туркиянинг Займ, Салжуқ, Ибн Халдун ва Кастамону, Индонезиянинг Султон Шариф Қосим ва Саҳид, Малайзиянинг Ислом фанлари университетлари, Саудия Арабистони Подшоҳлиги, БАА, АҚШ, Германия, Хитой, Австралия, Россия ва Қозоғистон каби мамлакатларнинг турдош олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари ҳамда етакчи исломшунослари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Жорий йилнинг октябрь ойида Миср Бош имоми, Ал-Азҳар мажмуаси раҳбари, шайх Аҳмад Муҳаммад Таййиб бошчилигидаги делегация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бўлди. Учрашувда ўзаро ҳамкорлик йўналишлари белгилаб олинди. Мазкур ҳамкорлик доирасида мисрлик мутахассислар ўзбекистонлик талабаларга араб тилидан дарс бермоқда.

Академия жамоаси 2019 йилда ҳам халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратишни режалаштирмоқда. Жумладан, Миср Араб Республикасига бориши режалаштирилаётган Ўзбекистон делегацияси таркибига академия вакиллари ҳам киритилган. Бўлажак зиёрат давомида, Мисрнинг яна бир қатор нуфузли олий таълим, маънавий-маърифий ва илмий тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш мақсад қилинган.

**Заҳидулло МУНАВВАРОВ,**
**Ўзбекистон халқаро ислом академияси кафедра мудири, сиёсий фанлар доктори, профессор**

# НУРОНИЙЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

***Республика "Нуроний" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимида жамғарма фаоллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Уни "Нуроний" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши раиси Р.Каланов олиб борди.***

Тадбирда Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси мутахассиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мазмун-моҳияти, кутилаётган янгиликлар ҳақида батафсил маълумот берди.

Эндиликда нафақага чиқиб, қадрдон жамоасида ёки бошқа ташкилотда иш фаолиятини давом эттириш истагида бўлган пенсионерлар маошлари юз фоиз сақланиб қолади.

– Президентимизнинг биз нуронийларга кўрсатаётган ғамхўрлигидан бениҳоя мамнунмиз, – дейди меҳнат фахрийси Аҳмаджон Тўлаганов. – Қаранг, ўтган икки йил давомида нуронийлар меҳнатини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бир неча қарорлар қабул қилинди. Энди пенсионер агар иш фаолиятини давом эттирса, белгиланган ойлик маошини юз фоиз олади. Бу биз нуронийларга катта куч бағишлайди. Жамиятда янада шижоат билан меҳнат қилишимизга замин яратади.

Йиғилишда нуронийлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди, таклиф, фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

**Ш.ЗОКИРЖОНОВ**

# ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

***Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси ташаббуси билан Яшнобод туманида ўтказилган семинар-тренингда тадбиркорлик субъектларига солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиришларга мувофиқ келгуси йилдан умумбелгиланган солиқларни ҳисоблаш ҳамда ҳисоботларни топшириш тартиби тушунтирилди.***

Тадбирда дастлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида"ги Фармони мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди.

Қайд этилганидек, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва бошқа ташкилотлар экспертларини жалб қилган ҳолда, ишлаб чиқилган Концепция асосида тадбиркорлик ривожи учун бир қатор имкониятлар яратилди. Хусусан, 2019 йил 1 январдан бошлаб, давлат мақсадли жамғармаларига юридик шахсларнинг айланмасидан 3,2 фоиз миқдорида ундириладиган мажбурий ажратмалар бекор қилинмоқда. Бундан ташқари, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси 14 фоиздан 12 фоизгача, дивидендлар ва фоизлар кўринишидаги даромадлар бўйича ставка 10 фоиздан 5 фоизгача пасайтирилмоқда.

Концепцияга асосан киритилаётган яна бир муҳим ўзгаришлардан бири жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг 12 фоиз миқдоридаги ягона ставкаси жорий этилаётганидир. Бундан ташқари, Пенсия жамғармасига ушлаб қолинадиган 8 фоиз миқдоридаги суғурта бадал тўлови бекор қилинади. Шунингдек, ягона ижтимоий тўлов ставкаси 12 фоизгача пасайтирилади. Мазкур меъёрларнинг амалиётга жорий этилиши орқали меҳнатга ҳақ тўлаш фондига солиқ юки камайтирилади.

Тадбирда Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармасининг малакали мутахассислари томонидан йил якунлари бўйича йиллик айланмаси 1 миллиард сўмдан ошган корхоналарни умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш тартиби кўргазмали восита ҳамда слайдлар ёрдамида тушунтирилди.

Яшнобод туманидаги йиллик айланмаси 1 млрд. сўмдан ошган 525 та тадбиркорлик субъектига келгуси йилдан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтишлари зарурлиги ҳақида хабарномалар жўнатилган. Айни пайтда 442 та корхона қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтган.

Бугунги кунда пойтахтимиз тадбиркорлари учун қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида барча туман давлат солиқ инспекцияларида "Маслаҳат хизматларини кўрсатиш" дарчалари ташкил этилди. Ушбу дарча орқали тадбиркорлик субъектлари солиқ қонунчилигига киритилган ва киритилаётган ўзгаришлардан хабардор этиб борилмоқда.

Тадбирда тадбиркорлик субъектлари солиқ қонунчилиги бўйича қўшимча саволлар юзасидан Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармасининг 71-244-54-86 рақамига қўнғироқ қилишлари мумкинлиги эслатиб ўтилди.

**Дилшод ТОШМАТОВ,**
**Яшнобод тумани давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи**

virtual.vto@umail.uz,
gazeta-vto@umail.uz



# ВАТАНПАРВАРЛИК ОЙЛИГИ МУНОЗАРАЛАРГА БОЙ ЎТМОҚДА

***Тошкент кимё-технология институтида “Ватан тараққиётига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.***

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси томонидан Президентимизнинг 2018 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 27 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда ҳарбийлар, профессор-ўқитувчилар, курсантлар ва талаба-ёшлар иштирок этди.

Мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган изчилислоҳотлар самарасида ёшларимизда ҳарбий хизматга қизиқиш тобора ортиб бораётгани, ҳарбий соҳа улар учун юксак шон-шараф мактабига айланганини алоҳида таъкидланди.

Учрашувда ҳарбийлар Президентимиз фармойиши мазмун-моҳияти хусусида сўзлаб берди. Талабалар ҳам соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Бугунги кунда замонавий фикрлайдиган, юксак маҳорат ва маънавий-ахлоқий хислатларга эга ҳарбий кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш муҳим вазифалардан биридир. Бу жараёнда сўнгги йиларда ҳарбий-ватанпарварлик соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларда бевосита иштирок этаётган кенг жамоатчилик ҳам алоҳида ўрин тутмоқда.

– Жойларда ўтказилаётган учрашувларда ёшларнинг ҳарбий соҳага қизиқишини кўриб жуда қувондик, – дейди ЎзА мухбирига Қуролли Кучлар академияси тарбиявий мафкуравий ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари, подполковник Лочин Нарзиқулов. – Ёшлар онгига бузғунчи таъсир кўрсатишга йўналтирилган уринишларга қарши курашиш долзарб вазифадир. Миллий ва умуминсоний қадриятларнинг аҳамияти, ёт ғоя ва маънавий таҳдидлар моҳиятини очиб беришга қаратилган тадбирлар ёшларни ҳушёрликка, ҳаётга теран нигоҳ билан боқишга чорламоқда.

“Ватанпарварлик ойлиги” доирасида Тошкент тиббиёт академияси талабалари билан ҳам маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда курсантлар тенгдошларига билим юрти фаолияти, яратилган шароитлар тўғрисида батафсил маълумот берди. Қуролли Кучлар академиясидаги таълим-тарбия жараёни ҳақида ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Тадбирда академиянинг фахрий қоровул взводи курсантлари қурол билан кўргазмали чиқишлар намойиш этди. Ҳарбий оркестр ижросидаги мусиқий чиқишлар талабаларда катта таассурот қолдирди.

**Абдулазиз МУСАЕВ**



# ҚОЗОҒИСТОН АДАБИЁТИ ВА МАДАНИЯТИ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

***Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Қозоғистон адабиёти ва маданияти марказининг очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди, дея хабар беради ЎзА.***

Ушбу марказ Қозоғистонда Ўзбекистон йили доирасида ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори А.Абдуазизов, Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси маслаҳатчиси М.Туякбоев, Қозоғистон Миллий академик кутубхонаси директор ўринбосари А.Кожабекова ва бошқалар Қозоғистон адабиёти ва маданияти маркази ўзбек ва қозоқ халқларининг дўстлиги ва қардошлигининг рамзи сифатида ташкил этилганини таъкидлади.

Азалдан ёнма-ён яшаган, қавму қариндош бўлган халқларимизнинг адабиёти ва маданияти ҳам бир дарёдан сув ичиб, ривожланган. Қозоғистонда Ўзбекистон йили доирасида мамлакатларимиз адабий ва маданий муассасалари ҳамкорлигида кўплаб тадбирлар ўтказилди. Мамлакатимизда Қозоғистон адабиёти ва маданияти марказининг очилиши ушбу ҳамкорлик бардавомлигини таъминлашга хизмат қилади.

Марказда Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг фаолияти, унинг халқаро майдонда тутган ўрнига бағишланган китоблар, қозоқ адибларининг асарлари ўрин олган. Шубҳасиз, қозоқ халқининг маданий ҳаётини ёритувчи ушбу китоблар ўзбек китобхонлари ўртасида катта қизиқиш уйғотади.

Ҳозирги кунда 23 мамлакатда Қозоғистон адабиёти ва маданияти марказлари фаолият кўрсатади.

Тадбир давомида атоқли қозоқ шоири Абай Қўнонбоев ижодидан намуналар тингланди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Қозоғистон Миллий академик кутубхонаси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

**Зухра МИРЗАБОЕВА**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

# МЕМОРАНДУМДА НИМАЛАР НАЗАРДА ТУТИЛМОҚДА?

***Парламент қуйи палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан Ички ишлар вазирлиги академиясида “Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида”ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишга тайёрланган матни муҳокамасига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.***

Юртимизда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш борасида мутлақо янги тизим, янгича ёндашув амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу борада амалга оширилган ишлар ўз самарасини узоқ куттиргани йўқ. Жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликнинг барвақт олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатлар билан умумий жиноятчиликни 36 фоизга камайтиришга эришилди. 3 минг 205 та ёки 35 фоиздан зиёд маҳаллада эса бирорта ҳам жиноят содир этилмади. Бу рақамлар мазкур йўналишда ишларнинг тўғри йўлга қўйилганидан далолат беради.

Янги таҳрирдаги қонун лойиҳаси мазкур ишларнинг узвий давоми ҳисобланади. Лойиҳа Қонунчилик палатасига киритилганда дастлаб 4 боб, 24 моддадан иборат эди. Кейинчалик Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан иккинчи ўқишга кенг жамоатчилик, соҳа мутахассислари ва экспертлар таклифлари ва муҳокамалар натижасида қонун лойиҳаси маромига етказилиб, 4 боб ва 21 моддадан иборат ҳолатга келтирилди.

Бу жараёнда ҳар бир модданинг такомилига етказилиши, амалиётда икки хил талқинга имкон қолдирмаслик масаласига жиддий эътибор қаратилди. Шунингдек, мазкур қонун тўғридан-тўғри амал қилувчи лойиҳа сифатида ишлаб чиқилди ҳамда ундан барча ҳаволаки нормалар чиқариб ташланиб, улар ўрнига аниқ процессуал механизмларни ўз ичига олган қоидалар киритилди.

Йиғилишда бўлиб ўтган муҳокамалар, маслаҳатлашувлар давомида соҳа мутахассислари ва экспертларнинг таклиф ва тавсиялари олиниб, қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида иккинчи ўқишга киритиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Тадбир давомида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ҳамда Ички ишлар вазирлиги академияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик Меморандумини имзолаш маросими ҳам ташкил этилди.

Имзоланган Меморандумга кўра, норма ижодкорлигини янада такомиллаштириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолияти самарадорлигини ошириш, тайёрланган қонун лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказиш, қонунчилик муаммолари ва уларни бартараф этиш бўйича фикр-мулоҳазалар ва таклифларни ўрганиш, уларни амалга ошириш чораларини биргаликда кўриш, қонунчиликдаги долзарб муаммолар бўйича давра суҳбатлари, жамоатчилик муҳокамалари ва бошқа шаклларда тадбирларни биргаликда ташкил этишга келишиб олинди.

**Нурилло НАСРИЕВ**

# СУДЬЯЛАРНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ ҲАМДА ДАХЛСИЗЛИГИ ЙЎЛИДА

***Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар судья ва суд ходимларига муайян ваколатларни берибгина қолмай, ўзига хос масъулият ҳам юкламоқда.***

Суд масъулияти ижтимоий ва юридик масъулиятнинг бир тури ҳисобланади, чунки у инсон ҳаётининг ўзига хос жабҳасида намоён бўлади ва махсус субъектлар, яъни судьяларнинг касбий фаолияти билан боғлиқдир.

Судьялар суд ҳокимиятининг рамзи ва вакиллари ҳисобланади. Суд ҳокимияти ҳокимиятнинг бир тармоғи сифатида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан мустақил ҳолда фаолият юритади.

Судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунишини таъминлашда уларнинг дахлсизлиги муҳим аҳамият касб этади. Судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлиги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Судлар тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонунлари билан кафолатланади.

Судьянинг дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланиши фақат юридик соҳа вакилларини ўзига жалб қилиб қолмасдан, балки кенг омманинг ҳам доимий эътибори марказида ҳисобланади. Айнан судьянинг дахлсизлиги тамойили одил судловнинг асосини ташкил этадиган Конституциявий тамойилларнинг ичида энг муҳими ҳисобланади. Қаерда судьянинг дахлсизлиги таъминланмаса, шу ерда қонун бузилишига йўл қўйилади, бу ерда адолат бўлмайди ва унинг қарор топиши ҳам мумкин эмас.

Судьянинг дахлсизлиги уларнинг одил судловни амалга оширишда ҳуқуқларининг чекланишининг олдини олиш, уларга бу вазифани бажаришда ҳар қандай аралашувга чек қўйишда муҳим ўрин тутади. Ушбу қоида халқаро ҳужжатлар ҳисобланувчи “Суд органларининг асосий тамойиллари тўғрисида”ги халқаро конвенцияга ҳам монанддир.

Судьялар дахлсизлиги тамойили суд тизимининг қайси бўғинида, қандай лавозимида ишлашидан қатъи назар барча судьяларга тааллуқли ҳисобланади. Судьялар дахлсизлиги кафолати одил судловни амалга оширишда қайси турдаги ишни кўришдан қатъи назар, суд фаолиятининг бутун доирасига тегишлидир. Бундан ташқари, ушбу тамойил судьянинг хизматдан ташқари фаолиятини ҳам ҳимоя қилишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида белгиланган кафолатга мувофиқ судьянинг шахси дахлсиз. Судьянинг дахлсизлиги унинг турар жойига, хизмат хонасига, фойдаланадиган транспорти ва алоқа воситаларига, хат-хабарларига, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларга тааллуқлидир.

Судьяга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин. Жиноят ишини қўзғатишда қонунийлик ва қабул қилинадиган қарорнинг асосланганлигини Бош прокурор шахсан ўз зиммасига олади.

Судьяларни жиноий жавобгарликка тортиш, қамоққа олиш учун Судьялар олий кенгашининг хулосаси ҳамда Олий суд Пленумининг розилиги талаб этилади. Ўз ўрнида амалдаги қонун нормалари бўйича судьяларга нисбатан жиноят ишини қўзғатиш тартиби бир неча босқичдан иборат бўлиб, бу судьяларнинг асоссиз равишда қамоққа олиниши, уларнинг жиноий жавобгарликка тортилишининг олдини олади.

“Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 70-моддаси бешинчи қисмига кўра судья Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг хулосаси олинмасдан маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Мазкур ҳуқуқий норма ҳам судьяларни асоссиз равишда маъмурий жавобгарликка тортилишининг олдини олади.

Судья дахлсизлиги кафолати масаласини кўришда уларни шахсий тинтув қилиш ва кўздан кечириш масаласига ҳам тўхталиб ўтиш ўринлидир. “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 70-моддаси олтинчи қисмига кўра судьянинг турар жойига ёки хизмат хонасига, фойдаланадиган транспортига кириш, уларни кўздан кечириш, уларда тинтув ўтказиш ёки улардан ашёни олиш, телефондаги сўзлашувларини эшитиш, судьяни шахсан кўздан кечириш ва уни шахсий тинтув қилиш, шунингдек, унинг хат-хабарларини, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларни кўздан кечириш, олиб қўйиш ёки олишга фақат Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоят, Тошкент шаҳар прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг рухсати ёки суднинг қарори билан йўл қўйилади.

Таъкидлаш керакки, судларнинг мустақиллигини таъминлашда уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши каби қоидаларнинг қонунларда белгилаб қўйилиши муҳим аҳамият касб этади.

Судьялар олий кенгаши томонидан суд ишларини ҳал қилишга аралашганлик ҳолатларини аниқлаш, бу ҳақда хабар берган судьяларнинг дахлсизлигини таъминлаш бўйича тартиб қабул қилинган.

Суд ишларига аралашиш икки хил кўринишда, яъни ташқи ёки ички тарзда бўлиши мумкин. Бундай аралашувларнинг ижтимоий хавфлилиги шундан иборатки, ушбу ҳаракат орқали суд ҳокимиятининг обрўсига, аҳолининг судга бўлган ишончига путур етади, суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шартлиги тўғрисидаги қоидалар бузилади, фуқаролар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зарар етади.

Шу сабабли, суд ишларини ҳал қилишга аралашганлик ҳолатлари аниқланган пайтда судьянинг зудлик билан Судьялар олий кенгашига хабар бериши бундай салбий оқибатлар юзага келишининг олдини олади.

Агар судья томонидан берилган бундай хабар судьялар малака ҳайъатларига келиб тушган бўлса, тегишли судьялар малака ҳайъати дарҳол бу ҳақда Судьялар олий кенгашини хабардор қилиши шарт.

Ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, хабар берилганлиги сабабли судьяга нисбатан таҳдид мавжудлиги аниқланса, суд ишларини ҳал қилишга аралашганлик ҳолатлари ҳақидаги хабар берган судья, унинг оила аъзолари ва яқин қариндошларининг хавфсизлиги таъминланади, зарур ҳолларда уларга тегишинча Олий суди раиси, адлия вазири томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича ўқотар қурол берилади, тегишли суд раисининг қарорига биноан ички ишлар органи томонидан судья ва унинг оиласи учун қуролли соқчилар ажратилади.

Суд ишларини ҳал этишга аралашганлик учун Жиноят кодексининг 236-моддасида жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра суд ишларини ҳал этишга аралашиш, яъни ишнинг ҳар томонлама, тўла ва холисона ўрганилишига тўсқинлик қилиш мақсадида адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилишига эришиш мақсадида судьяга турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, судьяларнинг мустақиллиги ҳамда дахлсизлигининг қонун даражасида кафолатланганлигини, ушбу кафолатларнинг бузилганлиги учун жавобгарликнинг белгиланганлигини судьяларимиз аниқ, равшан тушунишлари, ҳис қилишлари лозим. Судьяларнинг ушбу кафолатлар бузилишидан ҳимояланишнинг белгиланган самарали усулларидан фойдаланишлари эса ҳозирги замон талабларидан бири ҳисобланади ҳамда суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамланишига олиб келади.

**Муҳаммад ҚАЮМОВ,
жиноят ишлари бўйича
Мирзо Улуғбек туман судининг судьяси**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Gano Shifo

## Азиз юртдошлар!

Халқаро БМТ шафелигидаги "GANO EXCEL" корпорациясининг доимий ҳамкори "GANO SHIFO" масъулияти чекланган жамияти жамоаси



барчангизни кириб келаётган
Янги – 2019 йил билан самимий қутлайди.
Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.
Ҳар бир оилага фаровонлик ва саломатлик тилаймиз.
Янги йилингиз муборак бўлсин!

O'ZBEKISTON SAVDO-SANOAT PALATASI
TOSHKENT SHAHAR HUDUDIY BOSHQARMASI

## ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ, КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ

барчангизни обод диёримизга файзу барака
бахш этган ҳолда кириб келаётган
Янги – 2019 йил билан чин кўнглдан
табриклаймиз. Эл-юрт фаровонлиги йўлидаги
ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.
Хонадонингизда тинчлик-осойишталик,
сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ҳукмрон бўлсин!

Фурсатдан фойдаланиб Палата томонидан кўрсатилаётган хизматлар билан бошқарманинг www.th.chamber.uz сайтида танишишингиз мумкинлигини эслатиб ўтамиз.

Маълумот учун телефонлар: (71) 239-19-71, (95) 144-24-00, (95) 144-27-00.

ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ
ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

*Хизматлар лицензияланган*

## ТОШКЕНТ ШАҲАР ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

барча ҳамшаҳарларимизни, мамлакатимиз атроф-муҳити муҳофазасини таъминлаш ва экологиясини яхшилаш ишига ўз ҳиссасини қўшаётган соҳа ходимларини Янги йил байрами билан муборакбод этади!

Она юртимиз равнақи йўлидаги эзгу ишларингизда омад ҳамиша ёр бўлсин, 2019 йилда ўйлаб қўйган орзу ниятларингиз амалга ошсин!

## АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

"LAGMAN BSM HOUSE"
масъулияти чекланган жамияти жамоаси
Сизларни кириб келаётган
Янги – 2019 йил билан самимий қутлайди.
Янги йилда энг эзгу ниятларингиз ушалсин.
Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо,
дастурхонимиз тўкин-сочин бўлсин.
Бахт ва омад йил давомида
Сизларни тарк этмасин!

РЕКЛАМА ЎРНИДА

## “РЕЛЕ ВА АВТОМАТИКА” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ БАРЧА ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИНИ



*бутун борлиқни пок ният тимсоли бўлмиш оппоқ қорга буркаб кириб келаётган кумуш қишнинг зийнати – Янги йил байрами билан самимий тилакларни изҳор этган ҳолда табриклайди.*
*Ватанимиз осмони мусаффо, халқимиз саломат бўлсин. Янги йил қалбларимизга қувонч, оилаларимизга тинчлик-хотиржамлик ва бахту иқбол олиб келишига тилакдошмиз!*



## АЗИЗ ЮРТДОШЛАР ВА СОҲА ХОДИМЛАРИ!



*Барчангизни кириб келаётган Янги – 2019 йил билан самимий муборакбод этамиз. Соғ-саломат бўлинг, дилингизга тугиб қўйган орзу ниятларингиз ижобат бўлишига тилакдошмиз. Озод ва обод юртимизда тўйлар тўйларга уланаверсин. Тинчлик-хотиржамлик, тўкин-сочинлик, байрам шукуҳи Сиз азизларни асло тарк этмасин!*



**“ҲУВАЙДО МЕБЕЛ” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

UNG UZTRANSGAZ

## ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР, ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

*Сизларни кириб келаётган Янги – 2019 йил билан самимий қутлаймиз! Янги йилда Сизга ва оила аъзоларингизга меҳнат фаолияти, ўқиш, жамоат ишларида омад ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламиз. Сиҳат-саломатлик, шоду хуррамлик, бахту саодат барчангизга йўлдош бўлсин!*

**“ЎЗТРАНСГАЗ” АЖ ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА ҲУДУДИЙ ГАЗ ТАЪМИНОТИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

*Фурсатдан фойдаланиб шаҳримиз аҳолисидан содир бўлиши мумкин бўлган нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида қуйидагиларга қатъий риоя қилишларини илтимос қиламиз: – газ асбобларининг беҳуда ишлаб туришига йўл қўйманг ва қаровсиз қолдирманг; – ностандарт газ асбобларидан фойдаланманг; – газ асбобларини ўрнатиш ва таъмирлаш ишларида тумангаз мутахассислари хизматидан фойдаланинг;– агарда газ ҳидини сезиб қолсангиз, дарҳол тумангаз авария-диспетчерлик хизматларига (Миробод тумани – (71) 254-15-61, М.Улуғбек тумани – (71) 267-46-24, Чилонзор тумани – (71) 278-09-99, Яшнобод тумани – (71) 296-39-61, Яккасарой тумани – (71) 255-49-59, Шайхонтоҳур тумани – (71) 242-39-26, Юнусобод тумани – (71) 212-52-25, Олмазор тумани – (71) 248-35-48, Сергели тумани – (71) 258-84-33, Учтепа тумани – (71) 274-44-34, Бектемир тумани – (71) 295-14-43) ёки “ЎЗТРАНСГАЗ” АЖ ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА ҲУДУДИЙ ГАЗ ТАЪМИНОТИ ФИЛИАЛИ Марказий авария-диспетчерлик хизматига 104; (71) 255-44-27, (71) 255-44-29, (71) 253-56-19, (71) 253-56-31 телефон рақамлари орқали мурожаат қилинг.*

*Ҳурматли истеъмолчилар!*

*Сизларга яна шуни эслатиб ўтамизки, газ ҳисоблагичлар қуйидаги муддатларда Давлат қиёслаш текширувидан ўтказилиши шарт: – аҳоли хонадонларига ўрнатилган газ ҳисоблагичлар ҳар тўрт йилда; – корхоналарга ўрнатилган газ ҳисоблагичлар ҳар икки йилда. Шуни эсдан чиқармангки, табиий газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш ҳамда сарфланган газ учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш Тошкент шаҳар газ тармоқларини ўз вақтида созлаш ва таъмирлаш имкониятини яратади.*

*Хизматлар лицензияланган*

# ЁШЛАРНИНГ ЖОНКУЯР ТАРБИЯЧИСИ

***Ҳаётда бошдан нималар кечмайди. Ҳаёт деб аталмиш буюк неъматнинг қадрига етиш, унинг ҳар бир лаҳзасидан унумли фойдаланиш, одамларга яхшилик улашиш, кимнингдир дардига малҳам бўлиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Ҳаётинг давомида кимнингдир яхши фазилатларидан андоза оласан, кимгадир ҳавас қиласан. Шундай пайтларда атрофингда сени фикран қўллаб-қувватловчи яқинларинг кўпаяди, ишларинг ўз-ўзидан жонланиб кетади. Кўнглингда яшаш, яратишга бўлган иштиёқ кучаяди. Эшитганларинг, кўрганларинг ўзингни янада чуқурроқ англашингга замин яратади.***

Ҳамиджон Тоҳиржонов номини кўпчилик адабиёт ихлосмандлари яхши танишади. Асли касби физик бўлган қаҳрамонимиз ўзининг “Умр”, “Умр ўтмоқда”, “Мактабимга бағишлов”, “Халқимга таъзим”, “Ҳаёт чашмалари” (1, 2), “Ҳаёт неъматлари”, “Фарзандларимга мактуб”, “Ҳаёт сабоқлари”, “Ибрат”, “Ҳаёт ҳикматлари”, “Донишманд ҳофиз” (ҳаммуаллифликдаги), назм ва насрда битилган китоблари орқали китобхонлар қалбидан жой олган. Ҳамиджон Тоҳиржонов илмий изланишлар билан бир қаторда мунтазам равишда ижод қилиб боради, доимий равишда кундалик нашрларда ўз ижод намуналари билан қатнашиб келади. Бугунги кунда олим Турон Фанлар академиясининг академиги ҳам ҳисобланади.

Ҳамиджон Тоҳиржоновнинг шеърлари Ўзбекистон халқ артистлари Коммуна Исмоилова, Камолиддин Раҳимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аҳмаджон Дадаев, хушовоз хонанда Бахтиёр Тўлаганов, наманганлик санъаткорлар – Икромжон Мирусмонов, Исоқжон Жўрахонов, Азизбек Пўлатовлар томонидан қўшиққа солинган.

Ҳамиджон Тоҳиржонов ўзининг болалик, ўқувчилик йиллари ўтган Яккасарой туманидаги 118-умумтаълим мактабини, устозларини ҳали-ҳануз эслаб, йўқлаб туради. “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлигининг фаол аъзоси сифатида ўзи яшайдиган Абдулла Қаҳҳор номли маҳаллада соғлом маънавий муҳит яратиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, оилавий муносабатларни тиклаш, ёшларимиз онгига миллий қадриятларимизни сингдириш ва ижодкор ўқувчиларга тўғри йўналиш беришда бош-қош. Тўрт фарзандни Солиҳахон опадек оқила аёл билан тарбиялаб, олий маълумотли қилган, ўн икки невараниг бобоси. Тиниб-тинчимас, бошқаларга фақатгина яхшилик қилишга, меҳр улашишга шай замондошимиз – бугун ўзининг табаррук 70 ёшини нишонлаётган Ҳамиджон акага узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик тилаб қоламиз.

**Гулчеҳра КАРИМОВА**



# АҲОЛИ УЧУН ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

***Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани ТТЗ-2 даҳасида 704 растага эга бўлган “Наврўз” деҳқон бозорининг янги мажмуаси иш бошлади.***

Айтиш жоизки, қарийб 2 гектар ерни эгаллаган майдонда сотувчи ва харидорлар учун зарур шароитлар яратилди. Қурилиш ишлари АТ “Асака банки”нинг “Автотранспорт филиали”дан олинган 14,1 млрд. сўм кредит маблағлари ҳисобидан амалга оширилди. Деҳқон бозорида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдо шийпони, “Элга хизмат” ШК, гўшт, товуқ гўшти, балиқ, сут ва сут маҳсулотлари, новвойхона, қандолат маҳсулотлари павильонлари, ошхона, омборхона, озиқ-овқат, ноозиқ-овқат савдо дўконлари жой олган. Бозорга кираверишда автотураргоҳ мавжуд.

Хабарингиз бор илгарги “Ширин” деҳқон бозори бугунги кун талабига жавоб бермай қолган эди. Ҳозирги жой эски трамвай йўли ўрнида текисланиб, “Кисловодск” услубида замонавий кўринишга эга бўлди.

Янги йил арафасида бозорда байрамолди ярмаркалар ташкил этилган. Бу ерда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, “Ўздонмаҳсулот”, “Ўзозиқовқатзахира” уюшмалари томонидан арзонлаштирилган маҳсулотлар келтирилиб, пойтахт аҳолисига тортиқ этилмоқда. Гуруч, шакар, ёғ маҳсулотлари талабга қараб келтирилмоқда.

384-растада савдо қилувчи якка тартибдаги тадбиркор Ўғилой Ўктамованинг айтишича, 20 йилдан бери бозорда савдо қилади. Илгари “Ширин” деҳқон бозорида ҳам савдо қилган. Эндиликда янги жойда иш бошлади. Бу ерда сотувчилар учун етарли шароитлар яратиб берилган.

Бозор раҳбари Мирзоҳид Мирҳайдаров билан бозорни айланамиз. Сотувчиларга махсус бозор номи туширилган фартуклар берилган. Мирзо Улуғбек тумани давлат солиқ инспекцияси ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш бўлими бош инспектори Эркин Усмоновнинг изоҳ беришича, рухсат этилмаган жойда савдо қилувчи фуқаролар бўйича тегишли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Умуман олганда бозорда 6 та савдо павильони, ўнга яқин турғун савдо шохобчалари, битта умумий овқатланиш ошхонаси, новвойхона каби зарур тузилмалар ишлаб турибди. Энг муҳими янги бозордан аҳоли мамнун.

– Янги йил арафасида савдо қилиш учун бозорга чиқдим, – дея ўзини таништирган харидорлардан бири Камола Умарова. – Арзонлаштирилган ярмаркалардан рўзғор учун керакли маҳсулотларни харид қилдим. Бозорда истаган қишлоқ хўжалик, озиқ-овқат маҳсулотини олиш мумкин. Энг муҳими арзон ва қулай нархларда сотилмоқда.

Биз сотувчи ва харидорларга “баракасини берсин”, дея ортга қайтдик.

**З.ШАРИФЖОНОВ**

# МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

***Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасида мамлакатимиз замонавий бешкураш федерацияси енгил атлетика, қиличбозлик, сузиш, ўқ отиш, йилқичилик ва от спорти федерациялари билан икки томонлама ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзолади.***

Мамлакатимизда Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган спорт турларини янада оммалаштириш мақсадида 2017 йилнинг февраль ойида Ўзбекистон замонавий бешкураш федерацияси ташкил қилинган эди.

Замонавий бешкураш спортнинг от спорти, қиличбозлик, ўқ отиш, югуриш ва сузиш каби турларини ўзида бирлаштиради.

– Мамлакатимизда бешкурашни янада оммалаштириш ҳамда ёш иқтидорли спортчиларни камол топтириш, уларнинг малакасини ошириш, мураббийларнинг ўзаро тажриба алмашишини таъминлаш мақсадида енгил атлетика, қиличбозлик, сузиш, ўқ отиш, йилқичилик ва от спорти федерациялари билан мемурандум имзоладик – дейди Ўзбекистон замонавий бешкураш федерацияси раиси Баҳром Газиев. – Шунингдек, яна бир мақсадимиз ҳар бир спорт тури каби замонавий бешкураш бўйича ҳам ўзбек спортчиларининг иқтидори ва юксак савиясини дунёга намоён этиб, 2020 йилги Олимпия ўйинларига йўлланмаларни қўлга киритиш ва унда муносиб иштирок этишдир.

Меморандум имзолашга бағишланган тадбирда федерацияларнинг мутасадди раҳбарлари замонавий бешкураш спорт турини янада ривожлантириш, мазкур спорт тури бўйича малакали мураббий ва спортчиларни саралаш учун ўзларининг бор имкониятларини ишга солишларини таъкидлаб ўтди.

**Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ**

# САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИНИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРДАН АСРАЙЛИК

***Мамлакатимизда деҳқонлар томонидан сабзавот ва полиз экинлари етиштирилиб ундан юқори ҳосил олинмоқда. Бошқа қишлоқ хўжалиги экинларида учрагани каби сабзавот ва полизда ҳам бир қанча зараркунанда ҳашаротлар, касалликлар ва бегона ўтлар учраб, унинг ўсиб ривожланишига салбий таъсир этади.***

Зарарли ҳашаротларга қарши ўз вақтида кураш чоралари олиб борилмаса ҳосилдорликнинг катта қисми нобуд бўлади. Зараркунандаларнинг ичида колорада қўнғизи, цитрус инли куяси ва цитрус оқ қаноти каби зараркунандалар республикамизнинг айрим ҳудудларида учрайди ва карантин организми ҳисобланади.

Мазкур карантин зараркунандалар помидор, картошка ва бошқа экинларни зарарлаб ҳосилнинг 40-50 фоизгача қисмини нобуд бўлишига сабаб бўлади.

Адабий манбалардан маълумки, юртимизда жами 10 тур карантин организмлари учрайди ва экинларга зарар етказади. Шулардан 3 тури карантиндаги зараркунанда ҳашаротлар картошка ва помидорга кучли зарар етказади.

Колорада қўнғизи республикамизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Хоразм вилоятларидан ташқари, Тошкент шаҳри ва барча вилоят ҳудудларида жами 96 туманда 12206,5 гектар майдонда учраши аниқланган.

Цитрус оқ қаноти эса юртимизнинг Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида жами 25 туманнинг 26,1 гектар майдонида борлиги исботланган. Цитрус инли куяси эса Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида ва пойтахтимизда жами 33 туманнинг 35,5 гектар майдонида учраши аниқланган.

Мазкур зараркунандалар тарқалган ҳудуд иқлим шароитидан келиб чиқиб биоэкологик хусусиятларини ўрганиш ва уларга қарши экологик безарар кураш чораларини ўрганиш талаб этилади. Уларни диёримизнинг фитосанитар тоза ҳудудларига тарқалмаслиги учун ўсимликлар карантини чора-тадбирларига тўлиқ риоя этиш талаб этилади.

**Б.МИРЖАЛОЛОВ,**
**“Тошкент Аэро” Ўсимликлар карантин чегара маскани агроном инспектори**

# МАРКАЗИЙ ҲАРБИЙ КЛИНИК ГОСПИТАЛИДА 160 БЕМОРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН БИНО ҚАЙТА ТАЪМИРЛАНДИ

***Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталининг ички касалликлар бўлими биноси фойдаланишга топширилди.***

Мамлакатимиз хавсизлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг моддий таъминоти, саломатлигини муҳофаза қилиш масалалари доимий эътиборда.

Президентимиз жорий йилнинг июль ойида мазкур госпиталга ташриф буюриб уни истиқболли ривожлантириш режаси ҳамда янгидан қурилиши режалаштирилаётган корпус лойиҳалари билан танишган, мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берган эди.

Ўтган давр мобайнида бу ерда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Жорий ойда госпиталнинг ички касалликлар бўлими биносида таъмирлаш ишлари якунига етказилди.

Ички касалликлар бўлими биносининг тантанали очилиш маросимида Мудофаа вазирлиги масъул ходимлари, нафақадаги ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий шифокорлар иштирок этди.

Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати хабарига кўра, 11 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эвазига капитал таъмирдан чиққан ички касалликлар бўлими биноси бир вақтнинг ўзида 160 беморни қабул қилиб, уларга зарур муолажаларни кўрсата олади.

– Барчамиз яхши биламиз, госпиталимиз Марказий Осиёда ўз ўрни ва мавқеига эга. Бу ерда етук малакали ҳарбий шифокорлар фаолият юритади. Фойдаланишга топширилаётган ички касалликлар бўлими ҳам тиббий хизматга эҳтиёж сезган ҳарбий хизматчиларнинг соғайиб, тезроқ жамият ва армия сафига қайтишлари учун ўз ҳиссасини қўшишига ишонамиз, – дейди Мудофаа вазирлиги тиббий таъминот бошқармаси бошлиғи полковник Носиржон Фозилов.

Замонавий ва илғор технологиялар асосида таъмирдан чиққан ушбу бинода беморлар соғлиғини тиклаши учун барча шароит яратилган.

Шинам ва ёруғ хоналар ҳамда маданий ҳордиқ чиқариш учун ташкил этилган мўъжаз кутубхона беморлар руҳиятини кўтаришда асқотади. Хона ва залларни бўяшда ишлатилган ранглар эса киши кўнглига сокинлик улашади.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ**

# ТАБИАТДАН ИЛҲОМ ОЛГАН РАССОМЛАР

***Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида анъанавий “Табиат ва рассом” кўргазмаси очилди.***

Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маънавият тарғиботчилари, ижодкорлар, таниқли рассомлар, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар халқимизнинг нафис санъатга бўлган меҳрини ошириш, кенг йўналишда фаолият олиб бораётган мутахассисларнинг ижодий имкониятларидан унумли фойдаланиш ҳамда уларга шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 16 августдаги “Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу ишлар самарадорлигини оширишда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Манзара – рассомлар ижодида муҳим жанрлардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда романтик руҳият касб этадиган асарлари билан ажралиб турадиган рассомлар гуруҳи – Анвар Мирсагатов, Янис Салпинкиди, Серсенбай Бойбасинов, Евгений Гадецкий, Валерий Енин, Дилором Мамедова ва ёш авлод вакиллари манзара жанрида ижод қилмоқда. Мазкур анъанавий кўргазмада юртимизнинг манзара санъати усталарининг 200 дан ортиқ рангтасвир асарлари намойиш қилинмоқда.

– Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 3 август куни юртимиз ижодкор зиёлилари билан бўлиб ўтган учрашувида белгилаб берилган вазифалар рассомларимиз ижодида ўзининг яққол ифодасини топмоқда, – дейди ЎзА мухбирига Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Акмал Нуриддинов. – Бу жиҳатлар ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тасвирий санъатга меҳри баланд ўғил-қизларни янада кўпроқ илҳомлантириш, янги-янги ижодий марралар сари руҳлантиришга кўмаклашади.

Шунингдек, кўргазмада йил давомида Бадиий академия фаолиятини ёритишда, ривожлантиришда ҳамда қўллаб-қувватлашда яқиндан ёрдам берган давлат идоралари вакиллари, журналист, ижодкорларга сертификат ва эсдалик совғалар топширилди.

Кўргазма 2019 йилнинг 15 январигача давом этади.

**Гулноза БОБОЕВА**

Қилмиш – қидирмиш

# ИШГА ЖОЙЛАШТИРАМАН ДЕБ...

***Бугунги кунда кўпчилик ишга кириш учун таниш излайдиган одат чиқарган. Насиба (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам укаси Абдуалини “Тошкент халқаро аэропорти” кетринг хизматига ишга жойлаштириш учун таниши Камол билан гаплашди.***

“Бу ишни ишончли танишим орқали 600 АҚШ доллари эвазига ҳал қилиб бераман”, деди Камол унга.

Насиба унинг гапларига чиппа-чин ишониб, айтилган пулларни унинг қўлларига тутқазди.

Орадан икки кун ўтгач, Насиба укаси билан биргаликда Юнусобод туманидаги “Самара” тўйхонаси ёнида Камол билан кўришишди.

“Пулларингизни ишга киритаётган Дилбаҳорга бериб қўйдим. Манави анкетани тўлдириб топширилса, 3 ой ичида иши ҳал бўлади” дея уларга анкета қоғозларини берди. Уларни Дилбаҳор билан телефон орқали гаплаштирди.

Орадан 3 ойдан кўп вақт ўтса ҳам Абдуалининг иши ҳал бўлмади. Дилбаҳордан сўрашганида у эрта-индин дея алдади. Тоқати-тоқ бўлган Насиба Камолдан пулларини қайтариб беришини сўради.

Камол эса бу ҳақда гапириб, Жуманазардан ёрдам сўради.

“Тезда ўша пулларни менга олиб келиб бер. Мен ҳал қилиб бераман”, деди Жуманазар.

Камол унга 600 АҚШ долларини ўз уйида берди. Бироқ, у бу пулларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборди. Шу орада Насиба ундан укасининг ишлари нима бўлаётганлигини суриштирди. У Насибага укасининг текширишаётганлигини, тез орада жавоби чиқишини айтиб алдади. Кейин бу иш тезроқ ҳал бўлиши учун яна 650 АҚШ долларини Насибадан олди. Бироқ, у бу пулларни ҳам ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборди. Бу орада Камол Толипов мазкур жиноят иши бўйича судланди. Насиба Жуманазарнинг устидан ҳам тегишли органга мурожаат қилди.

Суд Жуманазар Расуловни ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми ва 28,211-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топди. Унга ЖКнинг 60-моддаси қўлланилиб, иш ҳақининг 30 фоизи давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда 2 йилу 9 ой 6 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

**Фаррух НЕЪМАТЖОНОВ,**
**Юнусобод туман прокуратураси терговчиси**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“XALQ SUG`URTA” МЧЖ СК томонидан “ELYORBEK FARM SANOAT SAVDO” МЧЖ номига берилган 0165596-сонли ҳамда ЯТТ Умматов Хасанжон Хабибуллаевич номига берилган 0165132-сонли полис бланки йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 05.06.2009 йилда Богданская Елена Константиновнага берилган адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи TN №000559 рақамли лицензия йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

РЕКЛАМА ЎРНИДА







Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани давлат хизматлари маркази томонидан 20.11.2008 йил 04-0000604-сонли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган **"Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Хусусийлаштириш ва пуллик хизматни ташкил этиш маркази"** (СТИР 200524821) 7.12.2018 йилдаги ПҚ-4055 **"Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан**

**ТУГАТИЛАДИ**

**Даъволар эълон нашр қилинган кундан бошлаб икки ой давомида қуйидаги манзил орқали қабул қилинади: Мирзо Улуғбек тумани,** Паркент кўчаси, 51-уй. Тел: (71) 268-34-95.






# СПОРТ – БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

***Мамлакатимизда сўнгги йилларда бошқа соҳалар қаторида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият. Уларнинг қайсиси бирламчи ўзаро тўлдирувчи ёки фарқланувчи жиҳатлари нималардан иборат?

Жисмоний маданият жамият умумий маданиятнинг бир қисми бўлиб, инсон сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш ва жисмоний қобилиятни ривожлантиришга қаратилган ижтимоий фаолият соҳасидир. Жисмоний тарбия эса фарзандларимизни ҳар томонлама чиниқтиришга йўналтирилган педагогик жараён. Бошқача айтганда, ўзаро тафовут қилувчи турли ҳодисалар. Лекин, қизиғи шундаки, улар бир-бирисиз яшай олмайди. Чунки жисмоний маданиятга жисмоний тарбия орқали эришилади.

Жаҳон маданияти, фан техника тараққиётининг ҳозирги босқичи инсон тафаккурининг юксак парвози, фикр инқилоби билан чамбарчас боғлиқ.

Ҳар бир миллатнинг маънавий юксаклиги унинг соғломлиги ва жисмоний камолот даражаси билан ҳам белгиланишини эсдан чиқармаслик зарур. Маънавий ва жисмоний маданияти мутаносиб равишда тараққий топган халқларни юксак маданиятли деб аташ мумкин. Демак, камолот чўққисига элтувчи тўғри ва яқин йўл халқ ўйинлари, бошқача ифодаланганда оммавий спортдан бошланади.

Жисмоний маданиятни кўтариш муайян моддий, ижтимоий-сиёсий, педагогик ва табиий спорт шароитларнинг мавжудлигига ҳар жиҳатдан боғлиқ. Тарихдан яхши аёнки, мустамлакачилик асорати, сохта эркинлик халқнинг миллий маданиятига путур етказиши билан бирга, унинг жисмоний маданияти тараққиётига ҳам жиддий зиён етказади.

Маълумки, жисмоний тарбия ёшларни тарбиялашнинг биологик омилларига, шароитларидан келиб чиқувчи биологик табиатига асосланади. Жисмоний тарбия мазмуни жисмоний камолот, жисмоний ҳолат диагностикаси, жисмоний тарбия маданияти, спорт ишлари, жисмоний маълумот тушунчаларида ўз ифодасини топади. Жисмоний камолот ёш авлод икки аъзоларининг ўзгариши, ўсишидир. Биринчи навбатда юрак ва ўпка, шунингдек, нерв ва ҳаракат тизими, тана шаклининг ўзгариши, тери-мускул тизими оғирлиги, тананинг мукаммал ривожланишидир.

Жисмоний етуклик деганда баданнинг ташқи кўринишидаги гўзаллик шакли, жисмоний сифатларнинг юқори даражадаги камолоти тушунилади. Агар диагностика бирон-бир ўқувчининг жисмоний ва тиббий кўрсаткичлари пасайиб кетаётганлигини кўрсатса, демак, зудлик билан жисмоний тарбиядаги мавжуд тизимни ўргатиш лозим. Шунинг учун ҳам мактабларда, билим юртларида индивидуал ёки гуруҳли дифференциал тартибдаги жисмоний тарбияни ташкил этишни йўлга қўйиш керак.

Жисмоний маданият жисмоний тарбиянинг таркибий қисмидир. Шу билан биргаликда, жисмоний маданият инсон ва жамият умумий маданиятининг ҳам ажралмас қисми.

Кўриниб турибдики, жисмоний тарбия мазмуни бениҳоят кенгдир. Бу восита ёшларимизнинг турмуш тарзи, жисмоний маданият ва спорт асосида мазмунли шаклланишини таъминлайди. Айниқса жисмоний тарбия дарслари, спорт ва жисмоний тарбия тарғиботи ва ишлаб чиқариш амалиёти борасидаги ютуқларини рағбатлантиришда, ўқувчиларнинг узоқ вақтгача иш қобилиятларини ушлаб туришда, ёшларимизнинг жисмоний ва физиологик сифатларини касб мазмунига боғлаш борасидаги жараёнлар беқиёс аҳамиятга эга.

Жисмоний маданий спорт ишлари ёки оммавий мусобақалар ва ҳоказоларда намоён бўлади. Жисмоний тарбия бўйича ўқувчилар билан якка тарзда ишлаш натижасида ўзаро бўшашиб қолган, бу борада камчилиги бор, дарсдан озод қилинган болаларнинг соғлиқларини тиклаш ишлари олиб борилади. Бундан ташқари, жисмоний қобилиятли болаларнинг қизиқиш ва интилишларини ҳисобга олиб ҳам индивидуал машғулотлар йўлга қўйилади. Айрим қобилиятли болалар, мактаб ва бошқа ўқув юртларида ўқиш билан бирга оммавий спорт ишларида иштирок этиб, юксак натижаларни қўлга киритади, ҳатто ўрта махсус ёки олий маълумот ҳам олишлари мумкин.

Ҳар томонлама ҳавасга лойиқ баркамол авлодни тарбияламай туриб, эзгу ниятларимизни амалга оширишимиз қийин. Мазкур жамғарма орқали, аввало, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, фарзандларимизни салбий таъсирлардан асраш, спортни оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантириш даркор.

Юртбошимиз қишлоқ мактабларида спортни ривожлантириш, қизларнинг спорт билан шуғулланиши учун тегишли шарт-шароитлар яратиш, болалар спорти мураббийларини, хусусан, хотин-қиз мураббийларимизни тайёрлаш каби долзарб масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Бу масалаларни самарали ҳал этиш борасида мутасадди раҳбарлар болалар спортини ривожлантириш наинки ижтимоий, балки давлат аҳамиятига молик сиёсий масала эканини теран англаб олмоғи керак.

**Р.АЪЗАМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жисмоний ва жанговар тайёргарлик кафедраси ўқитувчиси**

Тадбирлар

# ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ МУНОСИБ НИШОНЛАНДИ

***Айни кунларда пойтахтимизнинг барча туманларидаги корхона ва ташкилотларда кун сайин яқинлашиб келаётган Янги — 2019 йил муносабати билан турли хил байрам тадбирлари завқ-шавққа, қувонч ва шодликларга йўғрилган ҳолда муносиб тарзда нишонланмоқда.***





"Standart elektro texnika" масъулияти чекланган жамиятида бўлиб ўтган тадбир нафақат янги йилни балки "Энергетиклар касб байрами"ни ҳам муносиб нишонлашга бағишланди.

Тадбирда "Standart elektro texnika" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Анвар Норбоев йиғилганларни қўшалоқ байрам билан табриклар экан, Янги йил тинчлик, хотиржамлик олиб келишини, дастурхонимиз тўкин, халқимиз бахтли ва саодатли умргузаронлик қилишини самимият билан изҳор этди.

Шундан сўнг ёзувчилар Хуршид Дўстмуҳаммад, Ҳабиб Темиров ва домла Сайди Умировлар ҳам сўзга чиқиб, йиғилганларга самимий эзгу ниятларини билдирдилар.

"Standart elektro texnika" масъулияти чекланган жамияти республикамизнинг барча вилоятлардаги корхона ва ташкилотларига юқори ва паст кучланишли подстанциялар, трансформаторлар етказиб беради. Асосий фаолият тури эса электротехник машиналар, ускуналар ва аппаратураларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Байрам тадбири доирасида муассаса ходимлари ўртасида очиқ турдаги спорт мусобақалари ҳам бўлиб ўтди. Қизиқарли ва шиддатли ўтган беллашувларда шахмат бўйича биринчи ўринга Шодмон Отабой сазовор бўлди. Теннис бўйича Самандар Дилмуродов мутлоқ ғолиб деб топилган бўлса, тош кўтариш бўйича ғолиблик Комил Хашатовга насиб қилди.

Турникка тортилишда Баҳром Абриев, армрестлингда Миржалол Рустамов, шашкада Шерзод Бобоновлар ғолиб бўлдилар.

Аёллар ўртасида ўтказилган мусобақаларда шашка бўйича Лайло Раимова совриндор бўлди. 12 ёшгача бўлган болалар ўртасидаги спорт мусобақаларида шахмат бўйича Нурмуҳаммад Норбоев ғолибликка муносиб деб топилди.

– Мен бугун жуда ҳам мамнунман, – дейди тош кўтариш бўйича ғолибликни қўлга киритган Комил Хашатов биз билан суҳбатда. – Спорт мусобақалари кўнгилли ва қизиқарли ўтди. Фурсатдан фойдаланиб "Энергетиклар касб байрами" ва Янги йил билан барча ҳамкасбларимини чин кўнгилдан самимий табриклайман. Оилаларимиз тинч, фарзандларимиз бахтли яшасин.

Ҳа, ҳар бир байрамнинг ўз гашти ва таровати бор. Ушбу муассасада муносиб равишда нишонланган байрам тантаналари ва спорт мусобақалари барча иштирокчиларга ва меҳмон сифатида ташриф буюрган отахон ва онахонларга бирдай манзур бўлди. Қувонч ва шодликларга эш бўлган ҳолда ўтказилган тадбирлар кўнгилларга ёруғлик бахш этди.

Тадбир сўнгида ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**
**СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар**
**Ислом Исмоилов олган суратлар**

Футбол

# СЕРБИЯЛИК МУТАХАССИС БИЛАН УЧРАШУВ

***Маълумки, ЎФА раҳбарияти 2020 йилда Япония пойтахти Токио шаҳрида уюштириладиган навбатдаги ёзги Олимпиада мусобақасининг футбол баҳсларида Ўзбекистон олимпия терма жамоаси ҳам қатнашиши учун муайян ишларни амалга оширмоқда.***

ЎФА томонидан Ўзбекистон олимпия терма жамоасини хорижлик тажрибали мутахассис бошқариши зарурлиги эълон қилингани мухлисларга маълум. Шу боис ҳам ЎФА бир нечта хорижлик мутахассислар билан музокаралар олиб боряпти. Яқинда ЎФА биринчи вице-президенти Умид Аҳмаджонов олимпия терма жамоамизни бошқаришга асосий номзод бўлган сербиялик Любинко Друлович билан учрашди. Учрашувда Друловичнинг ёрдамчилари – Завиша Милославлевич ва Небойса Топалов ҳам қатнашишди.

Футболимиз мутасаддиси Друловичга олимпия терма жамоамиз Токио Олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритиши лозимлигини, чунки юртимиз истеъдодли ёш чарм тўп усталарига бой эканлигини, Олимпиада йўлланмаси учун олимпия терма жамоамизга ЎФА томонидан барча шароитлар яратиб берилишини маълум қилди.

Любинко Друлович эса ўз сўзида ўзбек футболидан яхши хабардор эканлигини, Хитойда 23 ёшлилар ўртасида жорий йил бошида уюштирилган Осиё чемпионатида чемпион бўлган ёшлар терма жамоамиз ўйинларни кузатганлигини, агар у Ўзбекистон олимпия терма жамоасига бош мураббий бўлса, Олимпиада йўлланмаси учун бор маҳоратини ишга солишини таъкидлаб ўтди. Агар томонлар ўзаро келишишса, Друлович олимпия терма жамоамизни бош мураббий сифатида бошқаради.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

"101"

# ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИНГ

***Ёнғинни "тилсиз ёв" деб беҳуда таърифлашмаган, чунки у фавқулодда одам ҳаёти, мол-мулкига тажовуз қиладиган офатлар ичида энг каттасидир.***

Лоқайдлик, эътиборсизлик оқибатида рўй берган кўнгилсиз воқеаларни гувоҳи бўлишимизга тўғри келаяпти. Таҳлилларга кўра, бу бахтсиз ҳодисалар оловга эҳтиётсизлик муносабатида бўлиш, носоз қўлбола электр мосламаларидан фойдаланиш, ёш болаларни олов билан ўйнаши, носоз газ мосламаларини ишлатиш, хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик ҳолатлари асосий сабаб бўлаяпти.

Шунинг учун биз ёнғин хавфсизлиги ходимлари маҳалла фаоллари, хонадон эгалари, фарзандларимизни огоҳликка чақирамиз.

**Д.ЗУФАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ кичик инспектори, сержант**

* * *

Дунёда ҳар бир инсон орзу-умид билан яшайди. Кўпчилик ҳалол меҳнат қилиб, йиллар давомида топган маблағи ҳисобига яхши ниятда бино ёки уй қуришни бошлайди.

Аммо фуқароларнинг оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига бефарқ қараганлиги сабабли машаққатли меҳнат эвазига қурилган уй-жой ёки мол-мулк бир неча дақиқалар ичида кулга айланади.

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ёнғин хавфсизлиги қоидаларга амал қилишингизни сўраймиз.

Доимо ҳушёр бўлиб, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш орқали ўзингиз, оилангиз ва мол-мулкингизни ҳимоя қилган бўласиз.

**Д.ҲУСАНОВ,**
**Учтепа тумани ЁХБ инспектори**

* * *

Фарзандларимиз – бизнинг келажагимиз. Ватанимизга содиқ, ҳар тарафлама етук инсон бўлиб камол топишига биз, ота-оналар жавобгармиз.

Шундай экан, ҳар биримиз уларни хонадонларда ёлғиз қолдирмасликка эътибор қаратишимиз лозим. Ёнғин нима оқибатларга олиб келиши тўғрисида тушунтириш даркор.

Шунинг учун Ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари барчага фарзандларингизга эътиборли бўлишни ва беparволикка йўл қўймасликни сўраб қолади.

**А.МАЖИДОВ,**
**23-ҲЁХҚ инспектори, сержант**

* * *

Олов – "тилсиз ёв" эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Ёнғин натижасида нафақат бойликлар, уй-рўзғор буюмлари, балки азиз фарзандларимиз ҳам жабрланиб қолиши ҳеч гап эмас.

Шунинг учун ҳам ёнғин келиб чиқишига йўл қўймаслик зарур. Ёниб турган оловга беparволик билан қараш, албатта ёнғин чиқишига олиб келади. Газ ва электр ускуналарини ўчириб юришни ўзига эп кўрмайдиганлар ҳам орамизда учраб турибди.

Айримлар ҳатто кўра-била туриб қоидаларни бузишади, гўёки бу уларга тааллуқли эмасдек қарашади. Олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар замирида фақатгина инсонларнинг оддийгина бўлиб туюлган ёнғин хавфсизлиги қоидаларига жиддий эътибор билан қарашларини тарғиб қилиб, ёнғинларнинг олдини олишга қаратилган.

**А.ТИЛЛАЕВ,**
**ЁХБ кичик инспектори, катта сержант**

* * *

Мактабгача таълим муассасаларида хавфсизликни таъминланишини назорат қилиш ёнғин хавфсизлиги хизматининг кўп тармоқли вазифаларидан биридир.

Болажонларга эса хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш, ўзбошимчалик билан гугурт, газ плиталари, электр асбобларидан ўйинчоқ сифатида фойдаланиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тушунтирилади.

Ушбу ишлардан кўзланган асосий мақсад келажагимиз бўлган ёшларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ёнғин келиб чиқиш ҳолатларини бартараф этишдир.

**М.ДЎСМУРАТОВ,**
**23-ҲЁХҚ инспектори, сержант**

* * *

Оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, интернет тармоғида ёнғинлар, сабаблари ҳамда уларнинг олдини олиш ва ёнғин содир бўлганда қандай ҳаракат қилиш тўғрисида маълумотлар мунтазам бериб борилмоқда.

Ёнғин хавфсизлиги хизматининг ҳамкорликда олиб бораётган тадбирлар натижасида мамлакатимизда ёнғинлар сони бир мунчага қисқаришига сабаб бўлмоқда. Лекин ёнғиннинг олдини олиш нафақат ёнғин хавфсизлиги хизмати балки мамлакатимизда яшаётган барча фуқароларнинг бурчидир. Шу сабабдан ҳар доим ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишни унутманг.

**А.БАБАЕВ,**
**Шайхонтоҳур тумани ЁХБ инспектори, подполковник**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Яккасарой тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Яккасарой тумани, Ракат боши берк 8-тор кўчаси, 57-уй учун Расулова Инобатга берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **28 декабрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2, кундузи — 13-15 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **28 декабрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 1235
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 4 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4223 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 17.40
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
12345